БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИЯ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРИ

Ф.Э.Турсунов
АДПИ катта ўқитувчиси
Ш.Х.Жалодинова
АДПИ катта ўқитувчиси
shaxnozajaloldinova@gmail.com

Аннотация Ушбу мақолада бўлажак технология таълими педагогларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг инновацион гоялар ҳамда уларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга асосланган ёндашувлар амалиётга татбиқи ҳақидаги фикрлар келтирилган.

Қалит сўзлар: ЮНЕСКО, олий таълим муассасалари, компетенция, ўқув муҳити.

Мамлакатимизда бўлажак мутахассислар, айниқса, бўлажак педагогларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг инновацион гоялари ҳамда уларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга асосланган ёндашувлар амалиётга татбиқ этилмоқда. Педагогика йўналиши таълим жараёнида касбий амалиётга мотивацион йўналтирилган ўқув муҳитини яратишда мослашувчан ёндашувларни қўллаш орқали талабаларда касбий маҳорат ҳамда компетенцияларни ривожлантириш долзарблик касб этмоқда. ЮНЕСКО томонидан белгиланган 2030 йилгача барқарор ривожланишнинг аниқ мақсадлари доирасида таълимга оид дастурларни такомиллаштириш, уларнинг очиқлигини таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда [6]. Жумладан, педагоглик касбини танлаган талабаларда касбий-ахлоқий маданият, этика, масъулият ва жавобгарликка оид таълим манбаларини янгиликлар билан бойитиш ҳамда такомиллаштириш устувор вазифалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сон “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” [1] қарорлари ҳамда мазкур фаолият соҳасига оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз, деб биламиз” [4;124-б.].

Педагогика олий таълим муассасалари талабаларига дарс жараёнида ўқитувчилар иродали бўлиш, эркин ва мустақил фикрлаш, жавобгарликни ҳис қилиш каби фазилатларни сингдириш билан бир қаторда ўз хатти-ҳаракатларини бошқаришда масъулиятни ҳис қилишлари ҳақида умумий тушунчалар беради. Бироқ таълим муассасалари талабаларида касбий компетенцияларини тарбияловчи махсус дастур ва концепциялар йўқлиги муаммонинг мазмуний компонентини яратишга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатди.

Ёшларнинг меҳнат бозори учун зарур бўлган касбий кўникмаларга эга бўлиши, ҳар томонлама камол топиши учун яратилаётган шарт-шароитлар уларнинг бевосита эркинликларини ҳам таъминламоқда. Шундай шароитда талабаларнинг касбий, шахсий компетенцияларини шакллантириш жараёнида масъулият ҳиссини тизимли, мақсадли ривожлантириб бориш уларнинг педагогик фаолияти янада такомиллашиб бориши учун имкон яратади. Шу сабабли педагогик масъулият узлуксиз таълим самарадорлигини ошириш, давлат ва миллатнинг барқарор ривожланишида таълимнинг ҳал қилувчи омили эканига боғлиқ равишда тадқиқ этилиши лозим бўлган муҳим муаммолардан бири экани айни ҳақиқатдир[3;7-б.].

Алоҳида таъкидлаш керакки, касбий компетенцияларини шахснинг жамият, жамоа, оила олдидаги жавобгарликни ҳис қилиши асосида шаклланиб боради. Шахс касбий компетенция тушунчалар мазмунини ўрганиб, англаб борар экан, мутлақ озод бўлиш истаги пайдо бўла бошлайди. Лекин тарихдан маълумки, бундай ҳолатлар инсонлар ҳаётида кўплаб фожиаларга сабаб бўлган ва аянчли якун топган. Шунинг учун ҳам эркинлик, жавобгарлик ва масъулият ўзаро бир-бири билан уйғун бўлиши зарур.

Булажак технология таълими укитувчиларининг фаолияти натижаси нафақат билимларни узатиш, балки шахсни ҳар томонлама камол топтиришдан иборат бўлиши зарур. Бунда педагогик таълимнинг мақсади – юқори даражада масъулиятли, касбий жиҳатдан етук янги авлод тарбиячисини тарбиялашдир. Уларда касбга садоқат, болаларга муҳаббат, маънавий маданият, шунингдек ўз илмига юксак иштиёқ билан ёндашиш, юқори профессионаллик, янгиликларни фаолиятга татбиқ этиш, доимий ўзини ўзи тарбиялаш каби фазилатларнинг шаклланишига алоҳида эътибор бериш лозим.

Демак, замонавий педагог ҳар қандай муаммони ечишга қодир бўлиши ҳамда фарзандларимизга юқори даражада таълим-тарбия бериши зарур[5]. Жамият олий таълим тизими зиммасига жуда катта масъулият юклайди, зеро олий таълим тизими жамиятнинг барча жабҳалари учун мутахассис тайёрлайди. Таълим тизими ижтимоий жараёнларнинг сифат даражасини шакллантириши, бошқариши, баланд ёки пастга ўзгартириши, ривожлан-тириши ёки инқирозга


олиб келиши мумкин, улар мамлакатнинг кучли ва фаровон бўлишида ҳал қилувчи роль ўйнайди, десак муболаға бўлмайди.

Олий таълимнинг бўлғуси кадрларни касбий компетенцияларини камол топишлари қуйидагилардан иборат:

- талабаларга сифатли таълим бериш, уларни кўникма, малакага эриштириш. Зеро давлат ва жамият ривожланиши ҳамда барқарорлиги сифатли таълимга боғлиқ;
- жамиятни ривожлантиришда виждонан, ўз зиммасидаги вазифаларни юксак даражада бажара оладиган малакали кадрлар тайёрлаш;
- олий педагогик таълим муассасалари талабаларининг ижтимоий мавқеини кўтариш, касбий ривожлантириш, жамиятда ўз ўрни қандай бўлишига оид билимлар бериш;
- олий ўқув юрти барча ўқишга қабул қилинган талабалар ҳамда илмга интилувчан, иқтидорли ва салоҳиятли ёшлар учун кенг имкониятлар яратиб бериши зарур каби долзарб масалалардан иборат вазифалардан иборатдир.
- Ҳозирги вақтда олий таълим тизими олдида нафақат юқори малакали, рақобатбардош, замонавий инновацион ғояларга эга мутахассис, балки ўз виждонли фуқароси, маънавий етук, зиёли, юқори маданиятли инсонни тарбиялаш вазифаси турибди, шу боис унинг жамиятдаги ўрни беқиёс, имижи баланд, ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳаларда илғор поғоналарда бўлиши шарт.

Олий таълим муассасасининг ижтимоий масъулият билан фаолият олиб бориши, ишлаб чиқариш сифати юқорилиги ушбу таълим муассасаси нуфузини оширади, таълим сифати юқори баҳоланиши, рақобатбардошликнинг ошишига олиб келади ва бу олий таълим маскани фаолиятининг янада самарали бўлиши билан бирга истиқболли режалар тузиш учун ҳам замин яратади.

Қуйида касб танлашга таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг педагог ўзини касбий тахлил келтириб ўтилган. (1-расм).



1- Педагогик фаолиятда шаклланган эркинлик ва масъулият асосий инсоний, шахсий хусусиятларга айланади[3; 12-б.].

Давлатимизнинг бугунги сиёсати таълим-тарбия соҳасида умуминсоний кадриятларга эътибор қаратишни талаб қилмоқда. Шу билан боғлиқ ҳолда замонавий таълим бўлажак технология таълими укитувчиларининг жиддий талаблар қўймоқда. Бундан кўзланган мақсад таълим тизимини умумий урта таълимни бошқарувчи бўлажак педагогларни аниқлаш ва мустақил фаолиятда уларни қўллаш ҳамда бутун фаолиятни давомида касбий тушунчаларини тўлақонли сингдириш масалаларига эътибор қаратишдан иборатдир.

Булажак технология таълими укитувчиларида касбий эркинлик ва масъулият ҳиссини ошириш ўз ечимини кутаётган муҳим муаммолардан саналиб, у ижтимоий фаолият жараёнида мавжуд ҳолатлардан келиб чиқиб, амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. ПҚ-4623-сон. 2020 йил 27 февраль. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.02.2020 й., 07/20/4623/0220-сон.

2. Абдуллаева Н.Ж. Педагогик масъулият орқали талабаларда касбий жозибадорлик сифатларини таркиб топтириш. “Замонавий узлуксиз таълимни рақамлаштириш: педагогика соҳасидаги замонавий тенденциялар ва ривожланиш омиллари” // Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Андижон, 2022. 12-13 апрель – Б. 24-29.

3. Абдукаримов Х. Профессиональное воспитание личности учителя в процессе непрерывного педагогического образования: Автореферат. дисс...докт.пед.наук. – Т.: 1998. – 46

4. Абдуллаева Н.Ж. Педагогик масъулиятни шакллантириш – касбий компетенцияларни ривожлантиришнинг интеграл компоненти сифатида // Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг илмий-методик журнали. – Тошкент, 2022. – № 2. ISSN 2181-7839. – Б.5-9.

5. Абдуллаева Н.Ж., Собиржонова Н. Бошланғич синф ўқувчиларида масъулият ҳиссини шакллантириш // Таълим, фан ва инновация. – Тошкент, 2021. –№4. – Б.20-24.